

Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1287-ҳадис

1287 - عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَعْتَكِفُ الْعَشْرَ الْأَوَاخِرَ مِنْ رَمَضَانَ. مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ [خ 2025، م 1171].

1287. Ибн Умар розияллоху анҳумодан ривоят қилинади:

“Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам Рамазоннинг охирги ўн кунлигида эътикоф ўтирардилар.

Муттафақун алайҳ.

Шарҳ: «Эътикоф» луғатда «ушлаб қолиш», «туриб қолиш» ва «лозим тутиш» маъноларини ифода қилади.

Шариатда эса «Рўзадорнинг жамоат масжидида эътикоф нияти ила қолишидир».

Эътикофнинг шариатда мавжуд эканига Қуръон, суннат ва ижмоъ далолат қилади. Эътикофда Ислом амалларининг қаймоғи жамлангандир. Бу қисқа фурсатда ҳар бир мусулмон инсон умри мобайнида етиши имкони бўлмаган ва тасаввур қилиб бўлмайдиган барча фазилатларни ўз танасида ҳис қилади. Ҳақиқий маънода 10 кун давомида Аллоҳнинг хос бандалари бу кунларни ҳеч бир нарсага алишмасдан фақат шу савобни деб ўзининг нафсига сайқал бериб Аллоҳ билан тинимсиз мулоқот қилади.

Ҳақиқий Расулуллоҳдек ихлос билан ўтирса, унда ваъда қилган ажр савобни камайтирилмаган ҳолатда олиб чиқади. Шунинг билан чиқармаслик керакки эътикофда ўтириш ҳақиқий маънода руҳий озукани олиш манбаси ҳисобланади. Ўзи аслида инсон эътикофда ўтирганда у Аллоҳдан нима сўраса, ўша нарса ўша заҳоти унга берилади, бунга заррача шубҳа йўқ. Ҳанафий мазҳабида эътикофнинг энг ками бир соат дейилади. Агар бир соатни ҳам ҳар қандай муҳлис банди шу соатда айтилган амаллар билан бойитиб ғайрат қилса унга ўша истаганидан зиёди берилади.

Эътикоф ичида барча яхшиликларга танангизни одатлангирсангиз унинг захираси шак-шубҳасиз кейинги йил шу кунингизгача етиши фазилатига эга бўласиз. Амалларни фақат Аллоҳ учун холис қилишга ўрганасиз. Ваҳший ҳайвонни қўлга ўргатгандек нафсингизни ўзингизга тўлиқ бўйсундирасиз. Солиҳ амалларни махфий қилишга одатланасиз. Бутун танангиз Ислом амалларини қилиб яйрайди ва ҳатто танангизга сиғмай кетиб Аллоҳ лафзи қалбингиздан чиққудек бўлиб зикр қила бошлайди. Бу зикр ҳаловати билан агар тошбағир бўлсангиз ҳам сизнинг кўзларингиз ва бутун танангиз йиғлайди. Ҳатто йиғлаб роҳатланасиз яна ҳам шу йиғлаш сизни ўзига чақиради ва ҳатто қалбингиз равшанлашиб Расулуллоҳни, саҳобаларни табаа тобеъинларни ҳақиқий маънода ҳис қилиб улардек бўлишга ҳаракат қила бошлайсиз. Пайғамбар алайҳиссалом “Рамазоннинг охириги 10 кунда бутун осмондаги фаришталар рамазони шариф бутун уммати Муҳаммадиянинг устидан кетаётгани учун йиғлайди”, деб хабар берганлар. Нега биз бу ойда йиғламаслигимиз ва маҳзун бўлмаслигимиз керак. Бу шарофат ва баракотни тами ва лаззатини ҳис қилган кишилар сўз айтса жуда ҳам маъқул бўлади. Бу маълумотларни ҳадислардан хабар бериб ўтамыз.

Эътикофда тавсия қилинадиган нарсалар:

- иложи борича ҳолига қараб даражама-даража амалларни кўпайтириб бориш керак;
- эътикофда кам ва яхши сўзларни сўзлаш керак ва тилдан келадиган 20 та офатдан сақланиш керак;
- таомни суннатга биноан тўймасдан тўхтатишга одатланиш;
- зикр ва хушўяга берилиш;
- тақвони кучайтириш, чунки рўзадан мақсад қилинган нарса ҳам шу ҳисобланади;
- пастга қараб юриш, кўзни ҳар тарафга аланглатмаслик ва бировларнинг омонат нарсаларига кўз ташлашдан сақланиш;
- дунё ишларидан вақтинчалик юз ўгириш;
- вақтнинг қадрига етиш;
- минг ойлик ибодат савобини фақат лайлатул қадр кечасида берилишини ҳис қилиб уни савоби кенг ва ажри зиёда амаллар билан бойитиш.

“Фатавойи Ҳиндийа” ва “Фатҳул қодир”да эътикоф одобларини санайди: фақат яхши сўзларни сўзлайди, рамазондан 10 кунини эътикоф учун лозим

тутади, эътикоф учун Масжидул Ҳаромдек ва жомеъ масжидлардек масжидларнинг афзалини ихтиёр қилади. Бу масала “Ас - сирожул ваҳҳаж”да ҳам зикри келган. Эътикоф кун ва кечаларида тиловатни, ҳадисни, илмни, дарс беришни, набий соллаллоҳу алайҳи васалламни сийрати ва набий алайҳимуссаломларнинг сийратлари, солиҳларнинг хабарлари ва дин ишларини баён қилувчи китобларни ўқишлари шарт. “Шарҳи Таҳовий”да эътикофда гуноҳ саналмаган сўзларни сўзласа бўлади, деган.

Пайғамбар алайҳиссалом нима амал билан шуғулланган бўлса шу амаллар билан шуғулланиш тавсия этилади;

эътикофда инсон рўзадор бўлади, Аллоҳ зикри билан банд бўлади ҳамда нафс талаб қилган нарсалардан узоқда бўлади;

эътикофда ўтирган инсон рўзасини гўзал шаклда тутади;

рўзанинг савобини кетказадиган беҳуда ва ножоиз сўзлар ва амаллардан тийилади;

эътикофни кечалари бедор ҳолда ўтказгани учун иншааллоҳ охириги ўн кунликка яширинган қадр кечасини топиш имконига эга бўлади;

эътикоф аслида савобли амал, унинг рамазон ойида бажарилиши эса шу савобларнинг янада кўп бўлишига сабаб бўлади.

Рамазонгача ҳар бир яхшилик амалга 10 дан 700 гача савоб бўлади. Рамазоннинг ичидаги ҳар бир амал учун беҳисоб савоб ваъда қилинган шу савобларнинг энг каттаси эътикоф ичидаги амалларга жойлаштирилган. Чунки ҳар қандай инсонни мажбурласангиз ҳам ўтиришдан ўзини тортади. Лекин, Аллоҳнинг ҳос бандлари ҳеч бўлмаса “Фатавойи Ҳиндийа”да масжидга кириб то чиққунича вақт оралиғида ҳам шу эътикофнинг савобини умид қилиб эътикофда ўтирса эътикоф савобига эришади деганлар;

- ўзини ва нафсини яхши ишларга кўниктиради;
- Аллоҳ учун ибодатга ажраб чиқиб, пайғамбарлар суннатини адо этган бўлади;
- ўзини ўзи сарҳисоб қилиб олади, агар ҳар ойда бир марта эътикоф ўтирса, бир ойлик ишларини, йилда бир марта ўтирса йиллик амалларини ҳисоб китоб қилиб олишга эришади;
- Қуръон ва ҳадисларни тафаккур билан ўқиш имкониятини қўлга киритади;
- Аллоҳ таоло билан ёлғиз қолиб, хотиржам охиратимиз хусусида тафаккур

қилишга ҳам вақтимиз йўқлигини тушунасиш;

- таҳажжуд намози ўқишга одатланасиз;
- шайтоннинг бўйнини синдиришга одатланасиз.

Эътикоф қуйидаги турларга бўлинади:

1. Вожиб. Бунга назр қилинган эътикоф киради.

2. Суннати муаккада. Эътикоф оддий суннатмас, балки савоби кўплиги учун таъкидланган суннатлар қаторига киради. “Ҳидоя”да “Ас-суннату акмалул фарз” – суннат фарзни комилликка етказди, дейилган. Шуни учун ҳам мисол қилиб қўлни тирсаккача уч марта ювиш суннат дейилган. Бир мартада етмаган жойга сув иккинчи марта ювганда етади. Шунда ҳам етмаса, учинчисида камолга тўлиқ етади. Суннат ва нафллар аслида фарзни камолга етказиш учун шариатга киритилган. Аллоҳ барчамизни суннатни тўлиқ беками кўст амалга оширишни насиб қилсин.

Бунга Рамазоннинг охириги ўн кундаги эътикоф киради.

3. Мустаҳаб. Бунга юқорида зикр қилинганлардан бошқа эътикофлар киради.

Эътикоф ўзига хос алоҳида ибодат бўлиб у ила банда қалб мусаффолигига, дунёнинг ташвишларидан узилишга, Аллоҳ таолога қурбат ҳосил қилишга ва шу каби кўпгина фазлларга эришади. Унинг ози бир кундир. Аммо имом Муҳаммад раҳматуллоҳи алайҳи: «Эътикофнинг ози бир оз муддат бўлса ҳам бўлади», деганлар ва шунга фатво берилган. Ким эътикофни бузса, қазосини бажаради. Худди нафл рўзани бузган одам қазосини тутиши вожиб бўлганга ўхшаб.

Эътикофнинг шартлари:

1. Мусулмон, ақлли ва балоғатга етган бўлиши. Жанобат, ҳайз ва нифос қонларидан тоза бўлиш. Кофир одамнинг эътикофга киритилмагани сабаби, у ибодат аҳлидан бўлмаганлиги учун. Мажнунни эътикофга киритилмагани сабаби ният аҳлидан бўлмагани учун. Жунуб, ҳайз ва нифосларнинг эътикофга киритилмагани сабаби масжидга кириши ман бўлгани учун. Эътикофнинг дуруст бўлиши учун балоғатга етиш шарт эмас, балки ақлли гўдакларга ҳам эътикофнинг файзи ва баракасини олиш шариатда дуруст ҳисобланади.

2. Ният. Ҳатто агар ниятсиз эътикофда ўтирса, ижмога кўра, эътикофи эътикоф ўрнига ўтмайди. Бу масала “Фатавойи Ҳиндийа” ва “Меърожуд - дироя”да ҳам келган.

3. Масжидда бўлиши. Азон ва иқомат айтиладиган барча масжидларда эътикофда ўтириш дуруст ва у саҳиҳ қавлдир. Бу масала “Хулоса”да ҳам келган. Эътикоф ўтиришга афзал масжидлар: Масжидул Ҳаром, Масжидун Набий, Байтул Мақдис, жамоат масжиди, кўп ва тўла ўз аҳлини тўлдирадиган масжидлар киради. Бу масала “Фатавойи Ҳиндийа” ва “Табйин”да ҳам келган. Аёл киши ўйидаги саждагоҳида эътикофда ўтиради. Агар аёл ўйидаги саждагоҳида эътикофда ўтирса кишининг ҳаққидаги жамоат масжидида ўтиргандек бўлади. Масжиддан чиқмайди чиқса ҳам инсон хожати учун чиқади. Бу масала Имом Сарахсийнинг “Шарҳул - мабсути”да ҳам келган. Агар аёл киши жамоат масжидида эътикофда ўтириши жоиз лекин макруҳдир. Бу масала “Муҳийтус Сарахсий”да ҳам ўз ифодасини топган. Яхшиси аёл учун уйидаги эътикоф афзалдир. Аёл учун катта масжиддан кўра маҳалла масжидида ўтириши афзалдир. Аёллар учун ўз уйларида саждагоҳ қилинган махсус ўринлари бўлмаса ҳам бошқа жойларда ўтириши мумкин. Бу масала “Табйин”да ҳам келган. Агар аёллар уйида махсус саждагоҳлари бўлмаса саждагоҳни қилиб кейин эътикофда ўтиради дейилган. Худди шу масала Бу масала “Фатавойи Ҳиндийа” ва “Зоҳидий”да ҳам келган.

4. Рўза. Эътикофда рўза вожиб шарт битта ривоятга кўра. Бу ҳақда Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳдан ривоятнинг зоҳири бор. Икки шогирдлари нафл эътикофларда рўза шарт эмас, дейдилар. Ҳатто агар “мен масжидга кириб чиққунимча эътикофда бўламан” деб ният қилса, шу нияти эътикофи учун дуруст бўлади. Бу масала “Табйин”да ҳам келган. Агар “кеча ёки кундуз эътикофда ўтираман” деб назр қилса-ю кейин таом еб қўйса, унинг бу эътикофи дуруст бўлмайди. Агар айтсаки аллоҳ учун менинг зиммамда бир ой рўзасиз эътикофда ўтириш лозим деса. Бас унга бир ой эътикоф ва рўза тўтиш лозим бўлиб қолади. Бу масала “Зоҳирийя” ва “Фатавойи Ҳиндийя”да ҳам чиройли баён қилинган.

Эътикофдаги одамга мустаҳаб бўлган нарсалар:

1. Намоз ва Қуръон тиловати каби тоат-ибодатларни мўл қилиш.
2. Фойдасиз бўлган сўзлардан, жанжал, тортишув ва сўқинишдан сақланиш.
3. Масжид ичидаги бир ердан ажралмаслиги. Имом Муслим розияллоҳу анҳу Нофеъ розияллоҳу анҳудан қуйидаги сўзларни нақл қилди. Нофеъ деди: «Ибн Умар менга масжиддаги Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам эътикоф қилган жойни кўрсатди».

Эътикофдаги одамга мубоҳ бўлган нарсалар:

1. Зарурий эҳтиёж учунгина ташқарига чиқиш. Оиша розияллоҳу анҳо дедилар: «Касални зиёрат қилмаслик, жанозада иштирок этмаслик, хотинларга қўл теккизмаслик ва улар билан қовушмаслик, зарурий эҳтиёжи

учунгина ташқарига чиқиш, эътикофдаги одам учун суннатдир» (Имом Абу Довуд ривояти).

2. Масжидда унинг тозалигига риоя қилиш билан бирга ейиш, ичиш ва ухлаш.

3. Эҳтиёжсиз сўзлаш ва бошқалар билан гаплашиш.

4. Сочни тараш, тирноқларни олиш, баданини тозалаш, чиройли кийимларни кийиш ва хушбўйланиш.

Оиша розияллоху анҳо дедилар: «Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам эътикоф қилган пайтларида, хужрага бошларини киритар ва мен бошларини ювар эдим (бошқа бир ривоятда бошларини тарар эдим)» (Муттафақун алайҳ).

5. Эътикоф қилган еридан оиласини кузатиш учун чиқиш.

Софийя розияллоху анҳо Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг шундай қилганларини ривоят қилганлар.

Эътикофдаги одамга макруҳ бўлган нарсалар:

1. Олди-сотди қилиш.

2. Ичида ва ташида гуноҳ бўлган сўзларни сўзлаш.

3. Ибодат деб эътиқод қилган ҳолда мутлақо сўзлашдан тийилиш.

Эътикофни бузадиган нарсалар:

1. Масжиддан оз бўлса-да, ташқарига заруратсиз чиқиш. Эътикофдаги киши эътикоф жойидан кеча ва кундуз узрсиз чиқиши мумкин эмас. Агар узрсиз бир соат чиқиб кетса, Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳнинг қавлларида кўра, эътикофи бузилади. Худди шу масала “Муҳит” да ҳам келган. У чиқишлиги қасддан ёки унутиш орқали бўлсин, фарқи йўқ, эътикофи бўзилади. Худди шу масала “Фатавоийи Қозихон”да ҳам зикри келган.

Аёл киши ҳам уйидаги саждагоҳидан бошқа жойга чиқмайди. Бу масала “Муҳийтус Сарахсий”да ҳам келган. Агар аёл киши масжиддаги эътикофида талоқ қилинса, у уйига қайтиб эътикофини келган жойидан давом эттиради. Бу масала “Табйин”да ҳам келган.

2. Жинсий алоқа қилиш.

3. Телбалик ёки мастлик сабабли ақлсиз ҳолатга келиш.

4. Муртадлиқ (Аллоҳ бундан ўзи сақласин!).

5. Покликни кетказгани учун ҳайз ва нифос қонларининг келиши.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI